O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
NAVOIY VILOYATI
KENGASHI

# QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

# РЕШЕНИЕ

КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

27 декабрь 2013 у (г) №XXVI/185 Navoiy sh. Навоий ш.

**Вилоятда "2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури"ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 июндаги "Аҳолини иш билан таъминлаш дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқлаш ҳақида"ги 310-сонли қарори ижросини таъминлаш ва вилоятда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг 15-17-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосланиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши XXVI сессияси

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоятда "2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури" 1-иловага, туман ва шаҳарларда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури 2-иловага, ҳудудий дастур ижроси ва назоратини амалга ошириш бўйича Ишчи комиссия таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи комиссия аъзолари:

ҳар ойда ҳудудларга чиққан ҳолда 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ўргансин ва таҳлил натижаларини ҳокимликлар билан биргаликда тегишли ташкилотлар иштирокида муҳокама этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирларни амалга оширсин;

ҳудудий дастурларга киритилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси (Султонов) га:

Дастур ижроси мониторингини юритишда инвестиция, локализация, тармоқлар, ҳудудларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда бошқа мақсадли дастурлар ижросига алоҳида эътибор қаратиб, 2014 йилда ҳар бир туман ва шаҳарларда яратилган янги иш ўринлари таҳлилий натижаларини вилоят ҳокимлигига тақдим этиб бориш топширилсин.

4. Вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш (Душанов), Марказий банк (Астанов), туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ишламасдан турган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига яратиладиган янги иш ўринларининг ҳисобини юритсин ҳамда назоратга олсин.

5. Вилоят Марказий банки (Астанов):

тижорат банклари билан биргаликда янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган кредит ресурслари ҳажмларини, хусусан қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш, сервис объектларини ишга тушириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш режа-жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқланган режага мувофиқ кредит маблағларининг белгиланган муддатларда ажратилишини қатъий назоратга олсин.

6. Вилоят Марказий банки ҳамда тижорат банклари, Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш (Душанов), Адлия (Рўзиев) бошқармалари, Савдо-Саноат палатаси (Шарифжонов) га:

хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда соҳада янги иш ўринлари яратиш мақсадида кичик бизнес субъектларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарурий чораларни кўриш тавсия этилсин.

7. Вилоят давлат Солиқ бошқармаси (Рахимов):

Норасмий тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаб, уларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирсин ва янгидан иш ўрни ташкил этиш иштиёқида бўлган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласин.

8. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Жумаев), Иқтисодиёт бош бошқармаси (Султонов) билан биргаликда:

2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳар ойлик тизимли мониторингини ҳудудлар ва тармоқлар кесимида амалга оширсин, дастур ижроси ҳақида умумлашган маълумотларни вилоят ҳокимлигига ҳар ойда (ҳисобот ойи якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар) киритиб борсин.

9. Вилоят ҳокимлиги ташкилий - назорат гуруҳи (Ҳамроев), вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Жумаев) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йиғилишларида 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури параметрларининг бажарилиши, манзилли дастурга киритилган объектларнинг ишга туширилиши ва белгиланган иш жойларининг яратилишини муҳокама этиб борсин;

ҳудудларда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилигида таркибига манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари киритилган ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, улар зиммасига янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўриш, манзилли дастурга киритилган корхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан рўйхатдан ўтказиш, моддий-техника ресурсларидан ва муҳандислик коммуникация тармоқларидан фойдаланиш, дастлабки сармояни шакллантириш ва кредитлар олиш, солиққа тортиш, маҳсулотни сотиш каби муаммоларни аниқлаш ва жойида ҳал этиш чораларини кўриш топширилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси раислари, вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи З.Султонов ва вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Жумаев зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM

**Кенгаш раиси** **Э.Турдимов**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2013 йил "27" декабрдаги XXVI сессияси
185 -сонли қарорига 1-илова

UMUMIY BO'LIM
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI

## Вилоятда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш худудий дастури

| | Йўналишлар | Жами | шу жумладан туманлар (шаҳарлар) бўйича: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Навоий шаҳри | Зараф шон шаҳри | Учқу дуқ тумани | Кармана тумани | Қизилтепа тумани | Конимех тумани | Нав баҳор тумани | Ну рота тумани | Томди тумани | Хатирчи тумани |
| I. | **Жами яратиладиган иш ўрин-лари** | 41039 | 7579 | 3081 | 2545 | 4901 | 5818 | 2425 | 4125 | 4175 | 550 | 5840 |
| | **Шу жумладан:** | | | | | | | | | | | |
| 1. | Янги ишлаб чиқариш объект-ларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш | 3654 | 683 | 480 | 392 | 667 | 200 | 601 | 206 | 225 | 103 | 97 |
| 2. | Кичик корхоналар ва микрофир-маларни ташкил қилиш | 13552 | 4236 | 1449 | 973 | 1624 | 1730 | 211 | 992 | 1218 | 69 | 1050 |
| | **Шундан:** | | | | | | | | | | | |
| 2.1 | Саноатда | 1849 | 405 | 125 | 164 | 170 | 390 | 36 | 130 | 206 | 38 | 185 |
| 2.2 | Қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй - жой қурилиши ва таъмирлаш | 2655 | 723 | 175 | 382 | 72 | 600 | 31 | 95 | 365 | 16 | 196 |
| 2.3 | Хизмат кўрсатиш ва сервис | 9048 | 3108 | 1149 | 427 | 1382 | 740 | 144 | 767 | 647 | 15 | 669 |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Якка ва оилавий тадбиркорлик-ни ривожлантириш | 5828 | 1079 | 462 | 395 | 900 | 850 | 150 | 445 | 587 | 57 | 903 |
| 4. | Уй меҳнатининг барча шакл-ларини ривожлантириш | 5757 | 757 | 458 | 380 | 445 | 680 | 721 | 470 | 735 | 222 | 889 |
| 4.1 | Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касса-начилик | 1314 | 141 | 170 | 180 | 95 | 100 | 145 | 145 | 130 | 78 | 130 |
| 5. | Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачи-лик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар) | 9472 | 0 | 0 | 95 | 1137 | 2138 | 602 | 1876 | 898 | 76 | 2650 |
| 6. | Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш | 2186 | 614 | 210 | 266 | 48 | 100 | 134 | 84 | 467 | 23 | 240 |
| 7. | Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш | 590 | 210 | 22 | 44 | 80 | 120 | 6 | 52 | 45 | 0 | 11 |



5

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2013 йил "___" декабрдаги XXVI сессияси
№ 145 -сонли қарорига 2-илова

**Вилоятнинг туман ва шаҳарларида 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури**

| Туман ва шаҳар номи | ЖАМИ | шу жумладан | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш | Кичик корхона лар ва микро фирма ларни ташкил қилиш ва ривожлантириш | шундан: | | | Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш | Касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш | шундан: корхона лар билан коопера цияда меҳнат шартно масари асосида | Фермер ва деҳқон хўжалик ларини ривожлан тириш (шу жумладан парран дачилик, балиқчилик, асаларичилик) | Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфра тузилма сини ривожлан тириш | Ишла маётган корхо налар фаолия тини тиклаш |
| | | | | саноатда | уй- жой қуриш ва таъмирлаш соҳасида | хизмат кўрсатиш, сервис ва соҳаларда | | | | | | |
| Навоий | 7579 | 683 | 4236 | 405 | 723 | 3108 | 1079 | 757 | 141 | | 614 | 210 |
| Зарафшон | 3081 | 480 | 1449 | 125 | 175 | 1149 | 462 | 458 | 170 | | 210 | 22 |
| Учқудуқ | 2545 | 392 | 973 | 164 | 382 | 427 | 395 | 380 | 180 | 95 | 266 | 44 |
| Кармана | 4901 | 667 | 1624 | 170 | 72 | 1382 | 900 | 445 | 95 | 1137 | 48 | 80 |
| Қизилтепа | 5818 | 200 | 1730 | 390 | 600 | 740 | 850 | 680 | 100 | 2138 | 100 | 120 |
| Конимех | 2425 | 601 | 211 | 36 | 31 | 144 | 150 | 721 | 145 | 602 | 134 | 6 |

6.

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Навбахор | 4125 | 206 | 992 | 130 | 95 | 767 | 445 | 470 | 145 | 1876 | 84 | 52 |
| Нурота | 4175 | 225 | 1218 | 206 | 365 | 647 | 587 | 735 | 130 | 898 | 467 | 45 |
| Томди | 550 | 103 | 69 | 38 | 16 | 15 | 57 | 222 | 78 | 76 | 23 | 0 |
| Хатирчи | 5840 | 97 | 1050 | 185 | 196 | 669 | 903 | 889 | 130 | 2650 | 240 | 11 |
| **Жами** | 41039 | 3654 | 13552 | 1849 | 2655 | 9048 | 5828 | 5757 | 1314 | 9472 | 2186 | 590 |

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг**
**2013 йил "27" декабрдаги XXVI сессияси**
**185-сонли қарорига 3-илова**

## Вилоятда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ижроси ва назоратини амалга ошириш бўйича

## ИШЧИ КОМИССИЯ ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Э.Турдимов | Навоий вилояти ҳокими, Ишчи гуруҳи раиси |
| 2. | У.Раззоқов | Вилоят ҳокими ўринбосари, ишчи комиссия раиси ўринбосари |
| | | **Комиссия аъзолари таркиби** |
| 3. | А.Бобомуродова | Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| 4. | Ж.Бобомуродов | Вилоят ҳокимлиги котибияти мудири |
| 5. | З.Султонов | Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Ҳ.Жумаев | Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Ҳ.Тилавов | Вилоят Молия бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Ш.Астанов | Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Я.Душанов | Вилоят Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш, рақобатни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи |
| 10. | М.Рўзиев | Вилоят Статистика бошқармаси бошлиғи в.б |
| 11. | Л.Облоқулов | Вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи |
| 12. | Ж.Мардиев | АТБ "Микрокредит" банк Навоий вилоят филиали бошқарувчиси |
| 13. | З.Шарифжонов | Вилоят Савдо-саноат палатаси раиси |
| 14. | Н.Исоқов | Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси |
| 15. | К.Тожиев | Вилоят "Камолот" ЁИҲ раиси в.б. |
| 16. | Д.Шакаров | Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, комиссия котиби |

***Изоҳ:*** *Ишчи комиссия аъзоларининг лавозими ўзгарган тақдирда ўрнига тайинланган раҳбар ишчи комиссия аъзоси ҳисобланади.*